

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб юритилувчи «UFC AAA» MChJ номидан иш юритувчи Акбарали ўғли Акмалбек бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш юритувчи кейинчалик «ХАРИДОР» деб юритилувчи Булокбоши туман Халқ таълим бўлими номидан бюджет ташкилоти рахбари Д.Ахмедов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидаги мақсадларга тузилди.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» мазкур шартнома бўйича «ХАРИДОР» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги маҳсулотларни етказиб бериш, «ХАРИДОР» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган, олинладиган маҳсулотларнинг шартнома тузиш вақтидаги тури, миқдори, нархи қуйидагича

(сўмда)

№	Маҳсулот номи	Улчо в бирл и ги	М ик до ри	Нархи	Суммас и	К К С ст ав ка си	КК С сум мас и	ККС хисобга олган суммаси
1	Уқувчилар столчиқки полка. 120*65*75 см, ЛДСП, цветъ: под дерево, карказ: тёмно- серый сталь 1,7 мм	дона	30	626000	18780000			
2	Уқувчилар стули 35*32*78 см, ЛДСП, цветъ: под дерево, карказ: тёмно-серый сталь толщина 1,7 мм	дона	30	230000	6900000			
3	Уқитувчилар столи 120*65*75 см, ЛДСП, цветъ: под дерево, карказ: тёмно- серый сталь толщина 1,7 мм	дона	2	780000	1560000			
4	Уқитувчилар стули 45*45*90 см, ЛДСП, цветъ: под дерево, карказ: тёмно-серый сталь толщина 1,7 мм	дона	2	380000	760000			
5	Китоб шкафи ойнакли, 900*400*1800, ЛДСП 16 мм, иккиқисм, учноқкали	дона	2	1250000	2500000			
6	Кийим шкафи 800*450*1780 ЛДСП	дона	2	1250000	2500000			
	Жами:				<b>33000000</b>			

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1 Мазкур шартноманинг умумий бахоси **33 000 000 (Ўттиз уч миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2 Хисоб-китоб «ХАРИДОР» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3 Шартнома рўйхатга олиниб «ХАРИДОР» етказиб бериладиган маҳсулотлар суммасининг 30% 9 900 000 (Тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўми олдиндан аванс тарикасида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4 Қолган 70% 23 100 000 (Йигирма уч миллион бир юз минг) сўм, етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида ўтказиб берилади.

2.5 «ХАРИДОР» томонидан 30% микдордаги тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг, «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» мазкур шартномада кўрсатилган микдорида ва нархларда давлат стандартига жавоб берадиган, маҳсулотларни «ХАРИДОР»га 10 кун муддат ичида етказиб беради.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «ХАРИДОР»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» дан шартномани бажариш учун амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

Маҳсулотлар «ХАРИДОР» томонидан олиб келинганда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» дан олиб кетиш харажатларини қоплашни талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганида, бажарилмай қолган натижасида зарарни қоплаш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»дан талаб қилиш.

Товарни қабул қилишда "ХАРИДОР"-уни микдори, сифати, ассортименти ва рўйхатини "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-фактура) асосида, ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

"ХАРИДОР" ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олади.

"ХАРИДОР" томонидан товарларни ва тегишли ҳужжатларни (ҳисоб-фактура) қабул қилганидан сўнг, шартноманинг 2.4 бандига мувофиқ «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўловларни амалга оширади.

3.2. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилиниши "ХАРИДОР"дан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ «ХАРИДОР» буюртманомасига асосан белгиланган муддатларда ҳамда сифат ва микдорда талабга жавоб берувчи маҳсулотларни етказиб бериш.

3.3 "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" томонидан етказиб берилган товарлар ичида яроқсиз товар мавжудлиги ёки ишлаб чиқаришга оид нуқсонлар аниқланганлиги ҳақида хабар олган кундан бошлаб, "ХАРИДОР"га 3 (уч) кун муддат ичида уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб беради ёки харидор билан келишган ҳолда яроқсиз товарларни сифатли товарларга алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олади. «ХАРИДОР»га товарларини етказиб бериш вақтида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товарга бўлган қафолат муддатларини ва сифат сертификатлари нусхаларини тақдим этади.

«ХАРИДОР» товарларни қабул қилганидан сўнг «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан тегишли ҳужжатлар (ҳисоб-фактура) «ХАРИДОР»га ўз вақтида расмийлаштириб берилмаса, шартномада кўрсатилган муддатларда маблағларни тўлиқ «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ҳисобига ўтказиб бериш қафолатланмайди.



#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлар ва талабларига мувофиқ бажарилиши талаб қилинади.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «ХАРИДОР» томонидан талаб қилинган муддатларда маҳсулотлар етказиб берилмаса, ушбу маҳсулотларни қабул қилиниши рад этишга ҳақлидир.

4.3. «ХАРИДОР» илгари берилган буюртманомада белгиланган муддатларини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктирилган ёки ўз вақтида етказиб берилмаган тақдирда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ХАРИДОР»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўлиқ бажаришдан ва маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда «ХАРИДОР» «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % изидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар конунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

5.4. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан маҳсулотлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда «ХАРИДОР» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган маҳсулотларни 5 фоиз миқдориде жарима тўлайди.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

7.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ва «ХАРИДОР» олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра табиий офатлар ёки енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича томонлар жавобгар эмас.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартнома «ХАРИДОР» ва «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан тасдиқлашиб Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содиқ этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган шахслар томонидан имзоланиши ва муҳрланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## Х. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»


Номи – “UFC ААА” МЧЖ  
Манзили- Булокбоши тумани  
ХР- 20208000305142515001  
МФО: 00078  
ИНН: 306850742  
Микрокредитбанк Андижон вил  
Булокбоши т минтакавий филиали


Раҳбар:



Ақбарали ўгли Акмалбек

«Харидор»

Булокбоши Халктаълимбулими  
Булокбоши туман Накшбандий куча  
ИНВ: 100022860032107092100075062  
ИНН: 200266502  
ХТТУТ: 92210  
Молли Вазирлиги Ягонагазна ҳисоб  
варағи: 23402000300100001010  
Банк номи; Марказий банк Тошкент  
шаҳар бош бошқармаси ХККУ  
МФО: 00014 СТИР 201122949  
ХТБ мудир:  Хмедов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ SS2423864324**

1. Loyiyaning turi

**Shartnoma**

2. Loyiyaning nomi

**Махсулот етказиб бериш шартномаси.**

“XARIDOR” Buloqboshi tuman Xalq ta’limi bo’limi nomidan nizam asosida faoliyat yurituvchi D. Axmedov bir tomondan va Buloqboshi tuman “UFC AAA” MCHJ, keyinchalik “ETKAZIB BERUVCHI” deb ataluvchi, Ustav asosida faoliyat yurituvchi Akbarali o’g’li Akmalbek, ushbu shartnomani mahsulot yetkazib berish haqida tuzilgan, mazkur shartnomaga asosan “ETKAZIB BERUVCHI” mahsulotlarni yetkazib berish va “XARIDOR” esa yetkazib berilgan mahsulotlarni qabul qilib, to’lovlarni amalga oshiradi.


3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

**Buloqboshi tumani Xalq ta’limi bo’limi 05.09.2022 yil**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunchiligi talablariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil “07” sentyabr.

Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti



Sh.Abduraximov